

Бор экан-у йўк экан, оч экан-у тўк экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, карга какимчи экан, чумчук чакимчи экан, ўрдак сурнайчи экан, гоз карнайчи экан.

Ўтган замонда бир бой бор экан. Унинг эшаги ва бир хўкизи бор экан. Унинг ери кўп экан, карол-кўшчиларига экин эктириб кун ўтказар экан. Хўжайиннинг ўгиллари кўпинча эшакни миниб юрар эканлар. Хўжайин эшакка яраша эгар-тўким килдириб берган экан. Тўкими гажимли, жуда хам келишган экан. Шундай килиб, бу эшакни хўжайин хам, хўжайиннинг болалари хам яхши кўриб, сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига кора майиз бериб бокишаркан. Хайр, эшак сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига кора майиз еб маза килаверсин, энди гапни хўкиздан эшитинг.

Хўжайин хўкизни эртадан кечгача кўшга кўшар экан. Хўкиз кечкурун корни очиб, чарчаб кайтиб келса, унинг олдига бир бог курук пояни ташлаб кўяр экан. Хўкиз бечора хар куни бир бог курук пояга йўликиб, корни очиб, кони кочиб, ранги тўзиб, кўп абгор бўлибди. Бир кун ишдан келиб, пояни егиси келмай атрофга караса, бояги эшак сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига кора майиз еб, маза килиб ётибди. Шунда хўкиз унинг овкатидан егиси келиб, эшакдан:

— Хой ўртоқ, мен кўп оч колдим, рахминг келмайдими? Кел, менга хам овкатингдан бер, — дебди.

Шунда эшакнинг рахми келиб, овкатидан берибди. Эшакнинг олдида хар доим овкат ортиб ётар экан. Хўжайин эрта билан чикиб ко рсаки, эшакнинг олдида овкати колмабди. «Э, эшагимнинг иштахаси энди очилибди», — деб кўп-кўп овкат соладиган бўлибди.

Бир куни хўжайин чикиб караса, эшакнинг овкати хаддеб хўкиз келиб еяётган эмиш.

— Ие, хали сенинг корнинг тўйиб, димогинг кўтарилиб колибди-ку, — деб эртаси куни хўкизни эшакнинг ўрнига кўйиб, эшакни обориб хўкизнинг ўрнига кўшга кўшибди.

Эшак шўрлик умрида кўшга кўшилмаган экан, омочни тортишга кўп кийнаибди. Охири такдирга тан бериб, кўшда юришга хам кўникиб колибди. Кечгача кўшда юриб чарчаб, корни очиб уйга борса, аввалги овкатлар йўк, шарбат ўрнига бир пакир сув, майиз ўрнига бир бог поя. Эшак бечора ночор ейишга тушибди.

Хайр, шундай килиб, хўжайин эшакни кузгача тоза хам кўшга кўшибди. Куз бўлганда эса унга юк ортиб, узок-узок ерларга борадиган бўлибди.

Бир куни хўжайин эшакни миниб бозорга борибди. Бозордан бир коп туз сотиб олибди. Тузни эшакка ортиб, устига ўзи миниб, йўлда кетаётса, бирдан хаво айниб, ёмгир ёга бошлабди. Хаш-паш дегунча дарров йўллар лой бўлиб кетибди. Эшак бечора устида туз, унинг устига хўжайин минган, боз устига юклар ёмгирда вазминлашган, ёмгирдан жунлари ивиб, йўлда аранг юриб келар экан. Ноинсоф хўжайин лоакал эшакнинг оёгидаги такасини хам янгилатиб кўймаган экан. Такаси сийкаланиб колгани учун эшак лойда тойилиб, туртиниб борар экан. Устидаги огир юки босиб, дармони куриб, бунинг устига хўжайин:

— Тез-тез юрмайсанми? — деб кўлидаги халачўпи билан бўйнига никтабди, «хих-хих» деб, икки оёги билан корнига тепибди. Эшак шу азоб билан бораётиб йўлда бир бузук кўприкка келиб колибди. Бечора эшак тойилиб-тойилиб кўприкнинг устига чикканида оёги тойиб, кўприкнинг тешигига кириб колибди, устидан хўжайин чалканчасига аганаб кетибди. Шунда хўжайиннинг кахри келиб, чаёндай захри келиб, кўп-рикнинг тагидан бир сўйилни тортиб олиб, ўлганнинг устига тепган дегандай: «Мени аганатадиган

сенмисан», — деб бечора эшакни тоза урибди. Эшакнинг оёгини кисган, ўзини юк босган, бунинг устига калтакнинг аччиги. Эшак бўйнини ерга солиб, бошини лойга кўйиб, кўзидан ёшини окизиб ётиб қолибди. Шунда уч-тўрт йўловчи етиб келибди.

Эшакнинг ахволини кўриб, йўловчиларнинг раҳми келибди. Битта йўловчи: — Хой, ноинсоф. Эшакнинг ахволига қарасанг-чи, уни уриб нима қилсан? Устидаги юкини ол, бўлмаса ўлиб қолади, — дебди.

Кейин йўловчилар келиб, бири юкнинг устидаги аргамчини қирқибди, бири тузни аганатибди, бири эшакнинг белидан кўтариб, яна бири думидан ушлаб, кўприқдан чиқариб олибди. Шундан кейин хўжайин тузни ортиб яна йўлга тушибди. Эшак бечора шунча азоб билан қорни очиб уйга зўрга етиб борибди. Боргандан кейин уйдагилар: «Хўжайин ёмғирда ивиб келибдилар, кўп азобланибдилар», — деб уни қўллаб-қувватлаб, иссик уйга олиб кириб кетишибди. Эшакни эса очик хавога боғлаб қўйишибди. Хўжайин ўчоққа қўлларини тоблаб, исиниб, ёғли паловни еб маза қилибди. Эшакка бўлса, «бояги-бояги, бойхўжайиннинг таёғи» дегандай бир бог қуруқ пояни ташлашибди.

Эшакнинг жуда хўрлиги келиб, шу ахволда юраверишга рози бўлгиси келмабди. «Ёнди нима қилсам бўлар экан? — деб ўйлабди. — Мен шу хўжайиннинг қўлида тоқай эзиламан, ахир, хўжайинниқидан чиқиб кетсам, очдан ўламанми? Кел-е, шу ердан бошимни олиб кетайин!» — дебди.

«Ёнди қаяққа борсам экан?» — деб ўйлабди.

Эшак ёшлигида онасидан: «Сусамбил деган мамлакат бор экан, у жойда ўтнинг бўлиги, сувнинг тиниги мўл экан. Унда биров билан бировнинг иши ҳам йўқ, азоб-укубат ҳам йўқ, овқат мўл, қорнинг доим тўйиб юради», — деган гапни эшитган экан. Онаси бечора кўп орзу қилса ҳам, Сусамбилга қоролмай ўлиб кетган экан. Эшак ўйлаб-ўйлаб шу Сусамбилни топмокчи бўлибди. Ўрнидан туриб, қираниб тортиб, бошвогини узиб, осмонга қараб бир қанграб олибди. Кейин хўжайиннинг ташки қовлиси билан қайрилиб, ёйга тушибди.

Бир одамнинг бир қам қирқта товуги, битта хўрози бор экан. Мақёнлар қар қуни бир қам қирқта тухум қилиб қерар эканлар. Бирок эгаси жуда қасис одам экан. Товуқларга лоқал уч қунда бир марта ҳам дон қочиб қўймас экан. Товуқлар қовлида қашақларни ва гўнларни қитиб, шундан овқат қопиб, қорин тўйгазар эканлар.

Бир қуни товуқлар қўшнисининг қовлисида донлаб юрганда унинг хотини уй обрезада оқшок юқиб, қозонга солибди. Обрезнинг четида тўрт-бешта оқшок тўқилиб қолибди. Бунинг хўроз қўрган экан, сеқин қириб, қалиғи донларни ея бошлабди. Шунда қўшнисининг хотини қўриб, «қишт-қишт, қирилгурлар, қишт», деб оташқурақни отиб юборибди. Оташқурақ хўрозга теғиб, уни бир неча мартаба юмалатиб юборибди. Оташқурақнинг зарбидан хўроз кўп алам тортиб, бир чеккага қориб йиғлабди. Хўрлиғи келиб: «Хўжайин қар қуни бир қам қирқта тухум олса, лоқал, битта тухумнинг пулига дон олиб қочмас; унинг эшиғи ёнига қорсақ, ўзи ҳам, хотини ҳам «қишт-қишт» деб қайдаса, боз устига қўшиларида ҳам қалтақ есанг! Менга нима азоб! Қел, шу ерда юргандан қўра далаларга қиқиб қетиб, ўша ерда ўзимча тирикчилик қилсам, нима бўлади?» — дебди. Ўрнидан турибди ва «ку-ку-ку» деб қиқирибди. Кейин «қир» етиб деворга қўнибди, ундан учиб қўчага тушибди-ю, далага қараб қетақерибди.

Хўроз дала йўлида қораётган экан, уч қўчанинг бошига қориб қолибди. Уч қўчанинг биридан бояғи эшак, иқкинчисидан хўроз қиқиб келибди. Хўроз эшакка қараб: — Ассалому алайкум, эшакқой! — дебди. Эшак:

— Ваалайкум ассалом, хўрозвой, — дебди. Хўроз:

— Сизга йўл бўлсин? — деб эшакдан сўрабди. Эшак:

— Сусамбилга,— дебди. Хўроз:

— Сусамбил кандай жой? — дебди. Эшак:

— Сусамбил — ўтнинг бўлиги, сувнинг тиниги, унда азоб-укубат йўк, маза килиб юрасан, — дебди.

Хўроз:

— Мен ҳам борсам бўладими? — деб сўрабди. Эшак:

— Хайр, битта эдим, сен билан иккита бўламиз, юравер! — дебди. Иккови бошидан ўтганларини бир-бирига гапириб кетаверибди.

Энди бояги хўкизга келайлик. Хўжайини уни хўкизлар билан уриштириб юрар экан. Хўкиз жуда уришқок бўлиб, ҳамма жойда донги кетган экан. Бир куни хўкиз уриштириш бўлиб қолибди. Шунда бу хўкиз етти-саккиз хўкизни кочирибди. Энди битта жуда уришқок хўкиз қолибди. Хўжайин хўкизини бу хўкиз билан эртасига уриштирмоқчи бўлибди. Тонгда хўжайин:

— Энди хўкизни уриштиришга бораман. Шохини ёғ лаб кўяй! — деб молхонага чикса, хўкизнинг икки кўзи юмук, хадеб ухляпти. Тушида катта бир йигин эмиш. Хўкизни хўжайини йигинга олиб кирса, халиги хўкиз буни йигиндан қувиб чиқариш учун ҳамла қилиб, югуриб қолибди. Шунда бунинг аччиги чиқиб, келаятган хўкизга хужум қилиб уни бир сузибди. Шунда хўкиз шохини ёглаётган хўжайинни сузиб юборибди. Хўжайиннинг ёғ косаси бир тарафга, ўзи иккинчи тарафга учиб тушибди.

Хўжайин хушидан кетибди, хушига келгандан сўнг:

— Хали мени сузадиган сенмисан?! — деб хўкизни чунон урибдики, кавариб чикмаган жойи қолмабди. Шунда хўкиз ётиб йиглабди, хўрлиги келибди: «Мен хўжайинга шунча ишларни қилиб, қанча хўкизлар билан уришиб, уларни енгиб, пул ютиб берсам, у эса шугина хазилимни кўтармай мени ўларча урса, бу менга қандай хўрлик?!» — дебди ва: «Кел-е, мен тоқай хўрлик тортаман, шу хўжайинниқидан кетсам, нима бўлар эди, кетаман!»— деб ўрнидан турибди, бир чираниб бошвокни узиб, йўлга тушибди, юриб-юриб бир жойга борса, бояги эшак кўринибди. Шунда хўкиз эшакни чакириб, орқасидан югурибди. Орқасига қараса, узокдан бир хўкиз уни тўхтовсиз чакириб келяпти.

Эшак тўхтаб турибди, хўкиз етиб келибди. Қараса, ўзининг шериги экан. Эшак:

— Ха, хўкизвой, нима қилиб юрибсан? — дебди. Хўкиз айтибди:

— Сендан кейин хўжайин мени ҳам тоза азоблади. Мен ҳам «бор-е» деб келавердим. Сен қаякка кетяпсан?

Эшак:

— Мен Сусамбилга кетяпман, — дебди. Хўкиз:

— Сусамбил қандай жой? — дебди. Эшак айтибди:

— Сусамбил ўтнинг бўлиги, сувнинг тиниги, унда азоб-укубат йўк, маза қилиб юрасан!

Хўкиз:

— Бўлмаса мен ҳам борсам бўладими? — дебди. Эшак:

— Қелганинг яхши бўлибди. Иккита эдик, учта бўлдик. Юравер! — дебди.

Хўкиз, эшак, хўроз учови бошидан ўтганларини бир-бирига гапиришиб, хасратлашиб кетаверишибди. Неча кун йўл юриб, чўл-у биебонга етишибди.

Чўлда ҳеч ким йўк экан. Бир жойда иккита қаламуш турар экан. Чўлда озик-овқат қамлигидан, озгина овқат топиш учун кўп жойларга бориб, кўп ерларни қазир эканлар.

Шунда корин тўяр-тўймас озгина овкат топишар экан. Бора-бора чўлда овкат топилмай колибди. Бир куни иккала каламуш ейдиган овкати йўк, корни очикиб, энди нима киламиз деб, уясининг огзига чикиб шумшайиб ўтиришганда, узокдан халиги эшак, хўкиз ва хўрозлар кўринишибди.

Бири айтибди:

— Шу кўринганлар йўловчи бўлади. Юр, улардан овкат олайлик. Зора рахми келиб, бирор нарса ташлаб кетишса, — дебди.

Иккаласи йўлнинг устига чикиб турибди. Кўринган хайвонлар ҳам етиб келишибди.

Шунда каламуш улардан овкат тилабди. Эшак туриб:

— Эй биродарлар, биз хам сизларга ўхшаш оч колганларданмиз. Агар овкат керак бўлса, биз билан бирга юраверинглар, — дебди.

Каламуш эшакдан:

— Каерга кетяпсизлар? — деб сўрабди. Эшак:

— Биз Сусамбилга кетяпмиз, — дебди.

— Сусамбил кандай жой? — деб сўрабди каламуш.

— Сусамбилни асло сўрама! Сусамбил ўтнинг бўлиги, сувнинг тиниги, унда азоб-укубат йўк, маза килиб юрасан! — дебди эшак.

— Бўлмаса биз хам борайлик, — дейишибди каламушлар.

— Учта эдик, бешта бўлдик, юраверинглар, — дебди эшак. Мана энди булар бешови бошларидан ўтган саргузаштларини бир-бирига гапиришиб, Сусамбилга кетаверибдилар.

Ўша чўлда бир гала ари бор экан. Улар хам овкат йўклигидан оч колиб, нима киларини билмай, осмонда гўнгиллаб учиб кетаётган эканлар, бирдан халиги Сусамбилга кетаётган беш жониворга йўликибдилар.

Арилар буларни кўриб: «Ух, мана овкатнинг конидан чикдик, керагини олиб кол!» — деб чаккани киришибди.

Шунда эшак айтибдики:

— Эй укалар, сизлар хам бизга ўхшаб оч колиб кийналганга ўхшайсизлар. Бизнинг танамизда шира колгани йўк. Сўрганларинг билан хеч нарса чикмайди. Ширамизни хўжайинларимиз сўриб олган. Агар овкат керак бўлса, биз билан юраверинглар! — дебди.

Шунда арилар буларнинг ахволини кўриб, булар хам бизга ўхшаган оч колганлардан экан, деб каёкка кетишаётганини сўрабди.

— Биз Сусамбилга кетяпмиз, — дейишибди.

— Сусамбил кандай жой? — деб сўрабди арилар.

— Сусамбил ўтнинг бўлиги, сувнинг тиниги, унда азоб-укубат йўк, маза килиб юрасиз, — дейишибди.

— Бўлмаса биз хам борайлик, — дебди арилар.

— Майли, бешта эдик, кўп бўлдик, — дебдилар.

Шунда булар хаммаси: «Сусамбил, кайдасан?» деб бошидан ўтганларини гаплашиб, хасратлашиб кетаверибдилар. Йўлда кетаётиб: «Качон Сусамбилга етамиз?» деб, юраклари жигиллаб, гохо-гохо эшакдан: «Яна бир гапириб беринг. Сусамбил кандай жой ўзи?!» деб сўрашар экан. Эшак хам Сусамбилни мактаб, уларнинг кўнглини кўтарар экан.

Булар:

— Сусамбилга борсак ундай киламиз, бундай киламиз! — деб ўзларича ширин-ширин

хаёллар суриб боришар экан.

Булар йўл юрибди, йўл юрса хам мўл юрибди. Охири димоғларига Сусамбилнинг хушбўй шабадаси урилибди. Сусамбилга хам етиб келишибди.

Сусамбил жуда хам кенг, бепоён бир жой экан. Хавоси жуда тоза, нариги ёқда улкан тоғ бўлиб, унинг шабадаси доим гириллаб келиб турар экан. Ерда кўм-кўк майсалар, бедалар яшнаб ётибди. Бир ёқда бугдой, арпалар; бир ёқда ковун-тарвузлар, бир тараф кета-кетгунча бог: унда узум, анжир, ўрик, шафтоли ва турли-туман мевалар гарк пишган. Арикларда оппок сутдай сувлар шаркирайди. Борганларнинг бағрига шамол тегибди.

Шунда бу бечоралар жуда хам хурсанд бўлиб кетишибди. Хурсандликдан баъзилари йиглаб олишибди. Улар кўп оч қолишган экан. Хар кайсиси истаган овқатини еб, корнини тўйгазиб, вақтларини хушлашиб, сўнгра салкин бир жойга келиб дам олишибди. Йўл азоби — гўр азоби, дегандай, кўп чарчаб қолишган экан, шу салкин жойда ётиб узоккина ухлашибди.

Уйкудан туриб кў1-бетларини ювиб, яна хоҳлаган овқатларини ебдилар. Шу билан булар Сусамбилга келиб кўп роҳатланиб қолишибди.

Сусамбилнинг бир томони баланд тоғ бўлиб, унда кийик дейсизми, ишкилиб кўп жониворлар яшар экан. Тоғнинг бир жойида эса бир тўда бўри турар экан. Бир куни бўриларнинг подшоси уларни тўплаб, базм қилиб, ичкилик ичиб, кабоб қилиб еб ўтирган экан. Шунда бўриларнинг подшоси узокдан халиги эшак билан хўкизни кўриб қолибди:

— Ух, бизга барра кабоб топилди, хув ана, ўтлаб юрибди. Уч-тўртта бўлиб бориб шуларни охб келинлар, кабоб қилиб еймиз, — дебди.

Бўриларнинг ичида битта ховликмаси бор экан, у туриб айтибди:

— Шугина нарсага уч-тўрт кишининг нима кераги бор? Битта ўзим бориб олиб келаман! — дебди.

Бўриларнинг ичида яна битта ховликмаси бор экан. Халиги бўрининг гапини эшитиб, шартта ўрнидан туриб:

— Хов, нима деяпсан ўзинг? Мен турганда сен каёкка борасан? Ўтир жойингда! Мен ўзим бориб олиб келаман! — дебди.

Бунга у бўрининг аччиги келибди:

— Мени писанд қилмаяпсан, сендан нима камлигим бор?! — деб бир-икки даф қилибди. Шу ерда иккови олишиб кетибди.

Шунда бўриларнинг подшоси туриб:

— Хой муттахамлар, уришманлар! Бор, икковинг бориб олиб кел! — дебди. Шу билан иккови чопкиллашиб кетишибди. Булар кетаётганларида бизнинг сусамбилликларимиз ўтлаб юришган экан. Бир вақт хўкиз ердаги кўкатни еб, оғзини тўлдириб, бошини кўтариб, ўтни чайнаб, тоғ томонга қараб, узокдан чопиб келаётган иккита бўрига кўзи тушибди. Шунда хўкизнинг юраги шувуллаб кетибди. У кўрқиб оғзидаги ўтини ерга ташлаб, шерикларини чакирибди. Шериклари хам бўриларни кўришибди. «Энди нима қиламиз? Қочамизми, турамизми?» деб маслаҳатлашибдилар.

Эшак:

— Кочсак, қувиб етиб олади, яхшиси қочмаймиз, — дебди. Хўкиз айтибди:

— Башарти олдимизга келса, нима қиламиз? Шунда хўроз:

— Мен дарахтнинг тепасига ўчиб чиқиб кетаман, — дебди.

Каламушлар:

— Биз ерни қавлаб, кириб кетамиз, — дебдилар. Эшак:

— Ханграб туравераман, — дебди. Арилар:

— Биз рўпара келганини чакиб, хамма ёғини шишириб ташлаймиз! — дебдилар. Хўкизга ариларнинг гапи жуда хам ёкиб тушибди:

— Бўлмаса сизлар жон борича чакинглар. Колганларини менга кўйиб беринглар! — дебди.

Булар маслахатни бир килиб тураверишибди.

Бир зумда бўрилар етиб келибдилар. Бўрининг халиги ховликмаси шеригига:

— Хув анавини сен кўтар! Мана буни мен кўтараман, — деб хўкизга караб югурибди.

Шунда хўкиз оркасига кайтиб туриб, бўрига караб югуриб бориб бир сузганда, бўри «дод» деб етти думалаб тушибди. Буни кўриб шериги югуриб келган экан, хўкиз уни хам каттик сузиб ташлабди. Каламушлар кўрканларидан ерни кавлаб кириб кетишга уринибди. Ер тошлок, каттик экан, улар кавлаб киролмабдилар, бир зумда аллаканча жойни ўйиб юборибдилар.

Хўроз бўлса дарахтга чикиб олиб, хадеб «ку-ку-ку» деб кичкираверибди.

Арилар хар иккала бўрига ёпишиб чакаверишибди-чакаверишибди, бир зумда дўмбира килиб шишириб ташлашибди. Бўрилар шунда хам кочмай, жонхолоатда келиб, хўкизга ёпишибдилар. Хўкиз уларни сузавериб, аъзойи баданини яра килиб ташлабди. Эшак бўлса нарирокда бор овози билан ханграб, нари бориб-бери келиб тураверибди.

Бир вақт бўрилар олишиб-олишиб чарчашибди. Караса, хўкиз билан арилар ўлдириб кўядиган. Шунда дастлаб халиги ховликма бўри кочишга тушибди, оркасидан буниси эргашибди. Булар шу кочганича подшонинг олдига етиб боришибди. Бу бўриларнинг хамма ёғи ёрилган, конлари оккан, ари чаккан юзлари шишиб, кўзлари кўринмайдиган бир ахволда экан. Подшо ва шериклари буларнинг ахволини кўриб, ранги ўчиб, кони кочиб, ияклари калтираб, кўзлари ялтираб қолибди.

Подшо:

— Сизларга нима бўлди? — деб сўрабди.

— Эй таксир, булар барра кабоб эмас, бошга келган бало экан! — дейишибди.

— Ха, нима бўлди? — деса, бўрининг бири:

— Булар бизнинг жонимизга касд килиб келган экан. Буларнинг ичида мункар-накири, унинг бир жуфт гўркови хам бор экан. Мункарнакир гурзиси билан бир урганда, агар шер бўлса хам, неча думалаб кетади, — дебди.

Бўрининг яна бири:

— Эй махмадона! Сен тек тур! Ўзим гапираман. Буларнинг ичида азроил хам бор экан. Жонни олиш учун найзасини сукса, аъзойи баданинг ачишиб, шишиб кетар экан, — дебди.

Энди буниси:

— Хе, сен билмайсан! Булар гўркови билан келган экан. Хали биз ўлмай туриб, хар биримизга еттитадан гўр казиб кўйишибди, — дебди.

Униси айтибди:

— Сен кўрмабсан! Булар сўфиси билан келган экан. Хали биз ўлмай туриб, дарахтнинг тепасига чикиб, хадеб одамларни жанозага чакиряпти.

Униси:

— Лекин буларнинг ичида бир каттаси бор экан. Униси эшони бўлса керак. Бизга яқинлашмади, лекин нарирокда туриб иш ўргатиб, буларга бакириб турди. Агар униси хам келганда, биз мутлако ўлар эдик, — дебди.

Бўрилар буларнинг афт-ангорини кўриб, гапларини эшитиб, кўриб васвасага

тушибдилар. Подшо:

— Энди нима киламиз? — дебди. Халигилар:

— Эй таксир, агар балога дучор бўлайлик, кунимиз битибди, ўлайлик десангиз, тураверамиз. Бўлмаса кочамиз. Булар бизнинг оркамиздан кувса, хали замон етиб келади,— дебди.

Буни эшитиб бўриларнинг подшоси яна кўркибди.

— Бўлмаса туринглар, жўнаймиз, — дебди.

Шунда ҳамма бўрилар, бу жойга келмай, хар ёқда тиркираб юрганларини ҳам топиб келиб, Сусамбил тоғини ташлаб кочиб, етти тоғнинг нариги ёғига ўтиб кетишибди.

Сусамбилликлар энди тамом эркинликка чикиб, огзи ошга тегиб, сал кунда семириб кетибдилар. Улар гоҳо хўжайинлариникида кўрган кунлари эсга тушса, ўкиниб, бу ердаги рохатларни кўриб севиниб, Сусамбилнинг овини овлаб, довини довлаб, маза килиб юришаверибди. Шу билан мурод-максадларига етишибди.